# ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

## Қашқадарё

### ТАШВИШЛАРДА БОРДИР ҲАЛОВАТ....

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида касаба уюшма ҳаракатини янгилаш ва демократлаштириш жараёнида аъзолар сафига хотин-қизларни кенг жалб этиш, барча ташкилотларда уларнинг фаоллигини ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши йўриқчиси Ҳамида Хушвақтовани Парда Шербобоев номли фермер хўжаликлари уюшмасида учратдик. Тизимда 20 йиллик иш тажрибасига эга мутахассис ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси Каромат Қудратовага фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатгани келган экан.

— Мулкчиликнинг янги шакли юзага келиб, меҳнат аҳлининг моддий манфаатдорлиги кучайганлиги айни муддао бўлди, — дейди Ҳамида опа серҳосил далаларга боқар экан. Лекин янги шакл янги мазмунни тақозо этади. Давр олдимизга тадбиркорлик субъектларида касаба уюшма хизматини ташкиллаштириш масаласини қўймоқда. Бу эса катта ташкилотчилик ва фидойиликни талаб қилади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Кеш заминида камол топган Ҳамида Хушвақтова ва Каромат Қудратовалар 50 йиллик умрининг гуллаган даврини юртдошларига наф келтириш, одамлар манфаатини яхшилашга бағишлаган. Собиқ ширкатнинг мулк шакли ўзгариб, 49 та фермер хўжалиги тузилди. Жамоаларда 881 нафар касаба уюшма аъзоси бор, 8 та цех ташкилотлари фаолият кўрсатяпти. Меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, ходимларни соғломлаштириш, хотин-қизлар, ёшлар гуруҳлари ишлаб турибди.

Ижтимоий ҳимояга жиддий аҳамият берилаяпти. Мўминобод, Бешхона, Буғдин қишлоқларидаги 43 та кам таъминланган оила ҳомийликка олинган. «Нурбобо невараси Нодир» фермер хўжалиги раиси Ш.Нурбобоев, «Сабо шабадаси» фермер хўжалиги раҳбари Ғ.Азимовларнинг ҳар бири 10 дан ортиқ ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. 8 нафар иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳолидан хабар олиб турилибди. Суннат Эргашев, Сарвиноз Хушвақтова, Жаббор Жалилов, Мурод Сайдаматовларнинг оилаларига буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Хотин-қизлардан 50 нафари Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларини зиёрат қилиб келишди.



Каромат Қудратова

Аёллар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда. Биринчи гуруҳ ногирони Лола Зиёдова тикувчилик цехи очиб, 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси К.Қудратова, маҳалла оқсоқоли М.Эркаев, маданий-маърифий, диний ишлар бўйича маслаҳатчи Т.Аминжоновлар билан ҳамкорликда хотин-қизлар билан оила тиббий маданиятини яхшилаш, бола тарбияси, оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича суҳбатлар ўтказди.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари Маҳмуд Худойқулов, Пўлат Ҳусанов, Бўритош Абдуллаев, Ҳамид Узоқовларнинг хонадонларига бориб, қариялардан ҳол-аҳвол сўралди. Йўриқчи Ҳамида Хушвақтова туман касаба уюшма кенгаши раиси Ғузор Маматов билан бирга Қушхона маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Темир Турсуновнинг оиласига бориб, моддий ёрдам кўрсатишди. Бундай ҳимматдан боқувчисини йўқотган Саида Шербобоева, кам таъминланган Рустам Абдуллаевлар ҳам бебаҳра қолишмади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан касаба уюшмаси томонидан 285 нафар ёрдамга муҳтож кицилар оталиққа олинган. Бундан ташқари, Рашид Диёров раҳбарлик қилаётган «Дон — халқ ризқи» корхонаси 200 нафар, Шуҳрат Тоғаев раис бўлган «Шаҳрисабзпахтатозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамияти 70 та кам таъминланган оилаларни ҳомийликка олиб, вақти-вақти билан қўллаб-қувватлашаяпти.

Тоғ бағрида жойлашган «Гулнора» оромгоҳида ёзги соғломлаштириш мавсумида мингга яқин ўғил-қиз дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаради.

#### Касаба уюшма фаоллари



Ҳамида Хушвақтова

— Фаолларимизнинг ғайрат ва ташаббускорлиги туфайли касаба уюшмаларининг нуфузи ортиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда туман кенгаши раиси Ғузор Маматов. — Ҳисобимизда 50 та бошланғич ташкилот бўлиб, атрофига 23 минг 900 нафар аъзо бирлашган. Шундан 18 минг 800 нафари фермер хўжаликларида ишлайди. Айни пайтда жамоа шартномалари тузилиб, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари муҳофаза қилинаётгани барчани мамнун қилмоқда. Қўйилган вазифалар ижроси аҳоли турмуш даражасини оширишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Туман «Кумуш тола» ижодкорлари 400 тонна, ғаллакорлар 18 минг 500 тонна сара дон топшириб, шартнома режаларини ошириб бажардилар. Пахтакорлар 18 минг тонналик оқ олтин хирмонини яратиш учун астойдил тер тўкдилар. Дала меҳнаткашларига қулай иш шароити яратиш, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда иш берувчилар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланяпти.

Одамлар мушкулини осон қилиш, юзага келган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишга не етсин. Бир оғиз «раҳмат» деган сўздан чарчоқлар ёзилиб кетишини касаба уюшма фидойилари яхши билишади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Жиззах

### «МАҲАЛЛА —

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят Кенгаши бугунги кунда 11 та ҳудудий келишув, 108 та жамоа шартномалари орқали 59 522 нафар касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимояламоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан алоҳида дастур асосида амалга оширилган ишлар кўлами янада кенгайди. Бу ҳақда вилоят Кенгаши раиси Ёқуб Рустамов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини — жамиятдаги демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган ҳужжатдир. Унга кўра мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш, умумтаълим мактабларидаги аҳволни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Эътироф этиш керакки, бугунги мактаблар аҳволи таълимнинг узлуксизлигини тўла-тўкис таъминлай оладиган даражада эмас. Уларнинг моддий-техника базаси, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, малакали кадрлар билан таъминлашда муаммолар кўп. Булар ўз навбатида ўқитувчининг ишини қийинлаштиради, ўқувчиларнинг чуқур билим эгаллашларига халақит беради, таълим сифатини яхшилашга тўсқинлик қилади. Фармонда бу муаммоларни давлат миқёсида ҳал этишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатилган бўлиб, мактабларни энг замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базасини яратиш ва таълим стандартлари шакллантирилиши биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган.

Вилоят ҳокимлигининг бевосита раҳбарлиги ва кўмагида 5 та янги мактаб қурилди, 38 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 39 та мактаб капитал таъмирланди.

Тизим тасарруфидаги муассасалар касаба уюшма ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда 41 минг 325 нафар талаба ва ўқувчи-ёшларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу долзарб масала вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг раёсат, вакилликларнинг раислар кенгаши, олий ва ўрта-махсус ўқув муассасалари касаба уюшма қўмитаси йиғилишларида муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, вилоят кенгашининг I, III чораклардаги раёсат йиғилишларида педагог ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи муҳокама этилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури асосида турли тадбирлар амалга оширилди. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 41 нафар педагог-ходим қимматбаҳо совға ҳамда вилоят кенгашининг

### ТАЪЛИМДАГИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

*қошидаги "Ўқитувчи" санаторий-профилакторийсининг фаолияти диққатга сазовордир.*

*Бош шифокор Фазлиддин Жўрақулов бошчилигидаги жамоада 14 нафар шифокор ва ҳамширалар фаолият кўрсатишади. Бу ерда жорий йил давомида 320 нафар талабанинг саломатлиги тикланди.*

*Профилакторийда даволаниш учун барча шароитлар етарли. Физиотерапия, муолажа ва маънавият хоналари юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Бундан ташқари ювиниш хоналари ҳам мавжуд. Даволанувчилар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.*

*Санаторий-профилакторийда даволанаётган талабаларга бирдек манзур бўлаётган ушбу шароитларнинг яратилишида вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг ҳам ҳиссаси бор. Жорий йилда ушбу жамоат ташкилоти томонидан профилакторийга бир миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.*

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**«Ишонч» мухбири**



**Суратда: профилакторий ҳаётидан лавҳалар Икром ХАСАНОВ олган суратлар**

## Бухоро

#### «Ҳамшира — 2006»

### НАРГИЗАГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

**Бухоро тиббиёт донишманди Ибн Синога бешик бўлган юрт. Бу қутлуғ заминда ҳозир ҳам улуғ пирга муносиб шогирд бўлиш илинжида эл саломатлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган фидойи, касбига садоқатли шифокорлар оз эмас. Шофирконлик Наргиза Ражабова ана шундайлар сирасига киради.**

...Наргиза юзлаб олиму фозиллари билан довруғ таратган Тезгузарда туғилиб ўсди. Отаси Одил ака ва волидаи муҳтарамаси Фотимахон Бўронова тўнғич фарзандларининг илмли, зукко бўлиб вояга етиши учун қўлдан келган ҳамма ишни қилишди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда туманимизда Гулсара опа исмли ҳамшира аёл бўларди. Унинг юриш-туришига, бежирим оқ халат кийиб, ишга шўнғиб кетишига жуда-жуда ҳавас қилардим, — дейди у. — Энди билсам, ўша кезлардаёқ оқ халат сеҳри билан бирга ҳамшира опанинг ишчанлиги мени мафтун этган экан.

Орзулари Наргизани йўлга бошлади. Шариф шаҳардаги кўҳна билим юртларидан бири — Бухоро тиббиёт билим юртининг ҳамширалик иши бўлимига ўқишга кириб, таниқли устозлар — тиббиёт фанлари доктори, профессор Карим Миржонов, шунингдек, Сайёра Шамсиддинова, Нодир Муродовлар қўлида сабоқ олди. Ҳамширалик касбининг сир-асрорларини пухта эгаллашга дадил интилди. Интилгани сари толе ёр бўлаверди.

Наргиза Шофиркон марказий шифохонасининг туғруқхона бўлими ҳамшираси сифатида иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатини, садоқатини амалда намоён қилишга киришди.

Инсон тақдири учун масъуллик, она ва бола саломатлигини сақлашдек хайрли, шу билан бирга ўта нозик ишни бекаму кўст уддалашнинг ўзи бўлмайди. У сени мудом сергакликка, ҳушёрликка, билим ва маҳоратингни узлуксиз равишда оширишга чорлайди. Бўлим мудири, ажойиб шифокор Дилором Маҳмудованинг ўгитларига, фойдали маслаҳатларига қулоқ тутиб, Наргиза кам бўлмади. Жамоада ўз ўрнини топди.

Дарҳақиқат, туғруқхона мажмуасида ишлар анча яхшиланиб, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишга эътибор тубдан ўзгарганлигини кейинги йиллар таҳлили ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган даврда бу ерда оналар ва болалар ўлими кузатилмади. Бунда тиниб-тинчимас ҳамшира, ўз касбининг фидойиси Н. Ражабованинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор, албатта.

— 2 — 3 йилдан буён ҳам меҳнатда, ҳам жамоат ишларида анча фаол Наргизанинг ҳамширалар кўрик-танловида ўз омадини синаб кўришга астойдил ҳаракат қилаётганлиги бизни ғоятда қувонтирмоқда, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳамширалик ишлар бўйича бош мутахассиси Тоиржон Ўринов. — Иш фаолиятига эндигина 5 йил бўлган Наргизанинг «Ҳамшира — 2006» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичида ғолиб бўлиши, албатта, ўз истеъдоди ва изланиши самарасидир. Унга барча қизларнинг ҳаваси келади.

Ҳа, истеъдод ва маҳоратни амалда тўла-тўкис намойиш этган бу изланувчан ҳамшира учун кўрик-танловнинг туман, вилоят босқичлари чиндан ҳам омадли кечди.

Кўрик-танловнинг амалиёт босқичи Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида, қолган 4 шарт бўйича баҳслашувлар шаҳардаги С. Айний номли драма театрида ўтказилди.

Наргиза ўзининг зукколиги, касбига муҳаббати, энг муҳими, билимдонлиги билан кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам энг гўзал, ёш ва ҳаракатчан ҳамшира сифатида эътироф этилди.

— Ғолиб бўлганимга ҳали-ҳануз ишонгим келмайди. Чунки унга даъвогарлик қилган истеъдодлар орасидан совриндор бўлиш осон бўлмайди-да, — ўз таассуротларини ўртоқлашади Наргиза.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**журналист**

## Сурхондарё



*Термиз Давлат университети Сурхондарё вилоятидаги нуфузли таълим марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу олий ўқув юртида жами 7300 нафар талаба таҳсил олади. Ёшларнинг ўзлари танлаган соҳа сир-асрорларини эгаллашларида университетнинг 1012 нафар мутахассисдан иборат педагогик жамоасининг муносиб улуши бор.*

*Университет раҳбарияти томонидан ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш билан бир қаторда уларнинг соғликларини тиклаш ишига ҳам катта аҳамият қаратилган. Бу борада университет*

## Андижон

### ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Булоқбошилик Абдуҳамиджонга олдидаги сомондан узоқдаги буғдойни афзал кўргани анча қимматга тушди. Меҳнат қилса тузуккина иши ва ерда қолмайдиган ҳунари ҳам бор эди. Аммо у кимларнингдир ҳавойи гапига учиб, мўмай даромад илинжида ўзга юртга отланди. Орадан саккиз ой ўтиб, қадрдон қишлоғига қайтиб келганида бошқаларни қўяйлиг-у, ҳатто оиладагилари ҳам уни зўрға танишди. Афти ангори бир ҳол, мажолсизликдан аранг оёқ судрарди.**

Муҳим масала ўша куни туман ҳокимлиги йиғилишида кўтарилди. Абдулҳамиджонга ўхшаган салкам 3 минг нафар киши сарсонсаргардонликда юргани маълум бўлди. Бу борада жиддий чоралар кўрилмаса, ориятли булоқбошиликларнинг юзи ерга қараб қолиши турган гап. Қолаверса, имкониятлар ўрганилиб, шунча кишига қўшимча ишчи ўрни яратилса, туман иқтисоди 12,5 фоизга ўсиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Корхона ва ташкилотлар, якка тартибда фаолият юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда бизнес-режалари қайта ўрганилиб, ўзини ўзи тортолмаётган айрим корхоналардаги аҳвол жиддий назоратга олинди. Шунингдек, касаначилик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Изланса, имкон топиларкан. Ўтган ойларда фақат шу йўл билан 1550 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Ёшларни қайта ихтисослаштиришга ҳамда касбкорга йўналтиришга ҳам муҳим масала сифатида қаралди. Бунинг учун жуда катта сарф-харажат талаб этилгани йўқ: собиқ ширкат хўжаликларидан бўшаб қолган тайёр бинолар таъмирланиб, қисқа муддатли касб-ҳунар масканларига айлантирилди. Бир қисми жиҳозланиб, тикиш-бичиш цехлари қурилди. Ҳозирги кунда 270 нафар ўғил-қиз ана шу жойларда турли хилдаги истеъмолбоп ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришаяпти.

Ўтган йили касаначиликни ривожлантириш эвазига туман иқтисодига 23 фоиз сармоя қўшилган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида у 54 фоизни ташкил этди. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ишчи ўринларининг яратилаётгани корхона ва ташкилотларга ўзини ўзи бошқариш ва ўз-ўзини иқтисодий таъминлашга ҳамда ижтимоий масалаларни рўёбга чиқаришга имкон бермоқда. Йирик саноат корхоналари — «Булоқбоши элга хизмат» масъулияти чекланган жамият, «Булоқбоши нон» ишлаб чиқариш ёпиқ акциядорлик жамияти сингари корхоналар жамоаси бозор иқтисоди тамойиллари ҳадисини олишган. Бир сўм сарфланса, эртага ундан қанча даромад кўрилишини яхши билишади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг туман салоҳиятига қўшаётган улуши, айниқса, муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу йўналишда фаолият юритаётган 27 тадан ортиқ ишлаб чиқариш тармоқлари давлатдан бир сўм ҳам қарз олмасдан, маҳсулот турларини кўпайтириб, истеъмол бозорини таъминлашяпти. «Барлос ҳилоли», «Булоқ барака», «Гўзаллик сари» каби хусусий корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайгани сари ишчи ўринларига ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Шу боис бу ердаги мулк эгалари ўзлари мутахассис ёллаб ёшларни қайта ўқитишмоқда ва доимий меҳнатга жалб этишаяпти.

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Қ.Тожибоеванинг таъкидлашича, янги иш ўринлари яратилиши ҳисобига ҳозирги пайтда расмий секторда 39 минг 500 нафар киши рўйхатга олинган. Бу ўтган даврлардагига нисбатан 18,5 фоиз ўсишни ташкил этади. Йил охиригача «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамияти ҳамда тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида қайта шаклланаётган фермерлар ҳисобига яна 750 нафар кишининг бандлиги таъминланиши кутилаётар.

Албатта, бозор иқтисоди шароитида одамларни фойдали меҳнатга жалб этиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгаяётгани ишсизликка барҳам беришнинг бош омилларидан бири. Бироқ айни чоғда шу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас.

Масалан, тумандаги айрим ташкилотлар бозор рақобатига бардош беролмай, ўзини иқтисодий таъминлай олмагани боис банкротга учраб, ҳайҳотдай бинолари ҳувиллаб ётибди. «Барлос ҳилоли» сингари кичик корхоналар жамоаси эса иш ўрнини кенгайтириш ва қўшимча цехлар қуриш учун жой тополмасдан овора эканлиги таажжубланарли эмасми?

#### Бандлик дастури

Ёки янги ташкил этилаётган иш ўринларини муҳофазалаш ҳамда ишловчи ва иш берувчи ўртасида ўзаро шартномаларни мувофиқлаштириш ҳам амалдаги қонунлар талабига мос келади, деб бўлмайди. Бунинг оқибатида кўнгилсиз ҳоллар келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмаслиги аниқ. Шундай бўлди ҳам. Йиғим-терим мавсумида Т.Раҳимов номли ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган фермер хўжалиги ишловчиси эҳтиётсизлик туфайли тележкадан тушиб кетиб, бахтсиз ҳодиса юз берди. Касалхонага олиб боришганида эса вақт ўтган эди.

Шунингдек, вақтинчалик бўш кишиларни бир кунлик иш билан таъминлаш соҳасида ҳам меҳнат интизомига риоя қилинмаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Буни қарангки, «Нуржаҳонбегим» хусусий корхонасига келган киши ёлланма ишчи сифатида на бирор жойда рўйхатга олинган, на у билан ўзаро келишув бўлган. Эътиборсизлик сабаб у ҳам бахтсиз ҳодисанинг қурбонига айланди.

Жойларда меҳнат аҳли манфаати учун саховат ва саъй-ҳаракатларнинг кўпаяётгани яхши, аммо у мукаммал ҳамда белгиланган қонунлар доирасида меъёрига етказилса, нур устига аъло нур бўларди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# — ОЛИЙ БАХТ

фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг «Корхоналар ва таълим муассасалари тасарруфидаги ётоқхоналарда яшовчиларга ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш борасида иш берувчилар ва касаба уюшма органларининг биргаликдаги фаолияти тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши Жиззах политехника институтига ҳомий этиб белгиланди. Талаба ёшларнинг турмуш ва маиший шароитини яхшилаш, уларнинг дам олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари доимий диққат-эътиборда бўлмоқда. Ётоқхонада истиқомат қилувчи талабаларга рангли телевизор совға қилинди.

Таълим соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эндиликда нафақада бўлган кексаларга доимий эътибор қаратилган. Жумладан, бахмаллик Ш. Авропов, форишлик О. Ҳайдаровларга энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимларга саломатликларини тиклаш учун йўлланмаларнинг 70 — 80 фоизи улар учун қулай бўлган ёзги таътил вақтида берилмоқда. Ўтган 11 ой давомида 350 нафар педагог-ходимлар мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги соғломлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 28 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда 2184 нафар, тармоққа қарашли Бобур номидаги оромгоҳда эса 200 нафар ўқувчи-ёшлар соғломлаштирилди. Йил давомида 6984 нафар бола дам олдирилди.

Таъсис этилган устама стипендиясига вилоятдаги педагогика ва политехника институтлари талабаларидан 4 нафари, коллеж ўқувчиларидан 6 нафари сазовор бўлди.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасида вилоят ХТБ, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари маъмуриятлари билан ҳамкорликда «Мустақиллик — ёшлар тақдирида», «Элни Ватан манфаатлари бирлаштиради», «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати», «Диний экстремизмга қарши кураш», «Урф-одатларимизда ёшлар тарбияси» каби долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

## КОРХОНА» ҲАМКОРЛИГИ

### аҳолининг ижтимоий ночор қатламига ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда

Зафаробод туманида «Маҳалла — корхона» тамойили бўйича аҳолининг ижтимоий ночор қатламига ҳомийлик асосида ёрдам кўрсатишга йўналтирилган доимий ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Кам таъминланган оилалар, пенсионер ва ногиронларга 1 миллион 911 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Туманда ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан вакиллик ҳисобидан 640 минг сўмлик, туман ХТБ томонидан 921 минг сўмлик совғалар улашилди.

Фаолиятимизда тармоқ ходимлари, талабалар ва ўқувчиларга ўқиш ва етарли меҳнат шароитларини яратиш билан бирга уларни ҳуқуқий ҳимоялашга ҳам асосий диққат-эътибор қаратилаяпти. Бу долзарб масала вилоят кенгашининг раёсат ва Пленумларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда ва улар ижроси таъминланаяпти. Арнасой, Пахтакор туман касаба уюшма вакилликлари бошланғич ташкилотларида ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича муҳокама этилди. Ҳар икки туманда ҳам бу борада камчиликлар мавжудлиги эътироф этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Кенгашимизга йилнинг ўтган даврида 9 та ёзма, 206 та оғзаки мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг барчаси жойларда ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги санаторий-профилакторийнинг хўжалик бекаси Д. Аллаевага фойдаланилмай қолган меҳнат таътиллари учун 196 минг сўмлик пуллик компенсация ундириб берилди. Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи услубчиси Ў. Юсупованинг ноқонуний ишдан бўшатилгани ҳақидаги мурожаати ижобий ҳал этилиб, ишга тикланди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиорини ўз фаолият мезонига айлантирган тармоқ касаба уюшма кенгашимиз амалга ошираётган ишлар замирида ходимлар манфаати устуворлиги таъминланмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

Оролбўйи: ислоҳотлар йўлида

Қорақалпоғистон

# ОЛАМШУМУЛ ЎЗГАРИШЛАР

***Мана икки йилдирки, республика деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажариб келмоқда. Истиқлол шарофати билан қорақалпоқ «оқ олтини» жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлди. «Қорақалпоқпахтасаноат» уюшмаси раиси Баҳром Кўшакевнинг таъкидлашича, Беруний, Халқобод, Элликқалъа, Манғит, Қўнғирот пахта тозалаш заводи жамоаси толаси аъло сифатли бўлгани учун жаҳон Сифат қўмитасининг олтин совринига муносиб, деб топилди.***

Жорий йилда Оролбўйи деҳқонлари 185 минг тонна ўрнига 200 минг тоннадан ортиқ сара ҳосил етиштирдилар. Бунинг эвазига 66 миллиард сўм даромад, шу жумладан, 14 миллиард сўм соф фойда олинади. Ер адолат ва ошкоралик тамойилларига асосан қишлоқ мулкдорларига берилганлиги муваффақиятни таъминлади. Айни пайтда 8 минг 200 дан ортиқ фермер хўжаликлари пахтачилик билан шуғулланмоқда. Топширилган ҳосилнинг 98,4 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Оғир об-ҳаво шароитларини мардонавор енгиб ўтган Амударё тумани деҳқонлари 39 минг, элликқалъаликлар 29 минг тоннадан зиёд чўл дурдонаси йиғиштириб олдилар.

Устюрт бағрида «Оқшулоқ», «Кўкшулоқ», «Қорашулоқ», «Урга», «Шахпахта» табиий газ, катта миқдордаги заҳирага эга «Борса келмас» ва «Қораумбат» ош тузи, «Тумруқ» каби сульфат тузи мавжуд ўнлаб конлар бор. Бундан икки йил муқаддам «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром»га қарашли «Зарубежнефтгаз» акциядорлик жамияти ўртасида Шахпахта конини ўзлаштиришни якунига етказиш лойиҳаси бўйича маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга имзо чекилган эди. Амал қилиш муддати 15 йилга мўлжалланган бу ҳужжатга биноан 2007 йилгача ана шу мақсадга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя йўналтирилади. Ҳозир ҳар йили хорижий давлатларга 8-8,5 миллиард кубометр «зангори олов» экспорт қилинаяпти.

Россия Федерациясидаги ҳамкорлар билан яқинда фойдаланишга топширилган «Шахпахта» компрессор станцияси бир кеча-кундузда 1,3 миллион кубометр газни етказиб бериш имкониятига эга. Қурилишда «Ўзбектрансгаз», «Урганчтрансгаз» корхоналари билан биргаликда Россия, Украина мамлакатларининг қурувчилари фидойилик кўрсатдилар.

Меҳнат ветерани Ҳ.Омаровнинг таъкидлашича, янги қурилма «Оқшулоқ» ва «Урга» конларидан олинаётган газ миқдорини 1,5-2 баробарга кўпайтиради. Бундан ташқари, чўл бағридаги «Қорақалпоқ» овулида умргузаронлик қилаётган 100 киши иш билан таъминланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига мувофиқ 750 дан ортиқ кам таъминланган оилага соғин сигир берилди. Хўжайлидаги «Меҳрибонлик уйи» қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Мавжуд 138 та қишлоқ врачлик масканидан 63 таси янгидан қурилди. Ўтган йиллар мобайнида 7729 гектар суғориладиган ер ўзлаштирилди. 5421,6 минг квадрат метр турар-жой қуриб битказилди.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун Туямўйин-Нукус сув ўтказиш иншооти тўла қувват билан ишламоқда. Фуқароларнинг табиий газдан фойдаланиш даражаси 99, ичимлик суви таъминоти 92 фоизга етган.

**ЁЛҚИН**

---




## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«TULPOR» савдо уйи**
**масъулияти чекланган жамияти**

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.

* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.





*Мурожаат учун телефонлар:*

*(8-371) 117-46-10, 276-33-51. Факс: (8-371) 276-77-20.*


---

Тошкент

# АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

***Мамлакатимизда «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ногиронларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.***

— Президентимизнинг бу ташаббуси биз учун айни муддао бўлди, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси Ойбек Исоқов. — Ногиронларга кенг имкониятлар яратиш масалалари билан шуғулланаётган жамиятимизнинг бугунги нуфузи янада ортди.

Ҳозир жойларда 114 та филиалимиз мавжуд. Улар ногиронларнинг турли муаммоларини ижобий ҳал этиш йўлида тадбиркорлик билан иш олиб бормоқдалар. Икки минг нафардан ортиқ ногирон фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда. Ўзининг 15 йиллик фаолияти давомида жамият ногиронлар манфаатларини ҳимоялаш йўлида кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. Жанубий Корея корхоналари билан ҳамкорликда ногиронлар протезларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Ёнграг» жамғармаси кўмагида ногирон болалар чизган расмлар танловлари ўтказиб келинмоқда. Компьютер саводхонлигини ошириш борасидаги фаолиятимиз ҳам самарали бўлмоқда. Бундай таълимий жараён компьютер ўрганиш маркази орқали амалга оширилмоқда.

Ногиронларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишларини йўлга қўйиш борасида ҳам ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Етарли

Эътибор

балл тўплай олмаган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларга моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ассоциацияси билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Ногиронларнинг ижтимоий масалалари билан шуғулланувчи марказ ҳам иш бошлади. Марказ томонидан ногирон ҳайдовчилар учун уюштирилган авторалли ҳам кутилган натижани берди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар режаси тузилди. Ўйлаймизки, янги 2007 йил жамиятимиз учун кенг кўламли тадбирлар даври бўлади.

**Акбар АЛИЕВ**

---


## «ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимларини кириб келаётган Янги йил байрами, ҳамда муборак Қурбон ҳайити билан самимий қутлайди!*
*Янги йилда ҳар бир юртдошимиз хонадонида файзу барака, тўкин дастурхон, оилавий хотиржамлик ҳукмрон бўлсин!*
*2007 йил барчамизга сиҳат-саломатлик, омад, муваффақиятлар ва бахт йили бўлиб келсин!*





Халқ таълими жонкуярлари

# ЁШ АВЛОД КЕЛАЖАГИНИ КЎЗЛАБ

***Ўз касбининг фидойиси бўлиш, шу орқали ҳурмат-эътибор топиш ҳам бахт. Ана шундай бахтга муяссар бўлган инсон Истам Тўраевни изланувчан, ташаббускор ўқитувчи сифатида Бухорода яхши билишади. Ўн уч йилдан буён вилоят марказидаги 17- ўрта умумтаълим мактабида ёшларга кимё фанидан сабоқ бериб келаётган биринчи тоифали муаллим доимо янгиликка интилади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига амалий иши билан жавоб беришга ҳаракат қилаётган бу истеъдодли педагог касбдошларига ибрат бўлиб келмоқда.***

И.Тўраевнинг «Таълим жараёнида янги педагогик технология элементлари асосида кимё дарсларини ўқитиш ва унинг самарадорлигини ошириш» мавзусида 7-синф «Кимё дарслиги» муаллифлари билан ҳамкорликда олиб борган иши тажриба-синовдан муваффақиятли ўтди. Касбига ижодий ёндашаётган муаллим «Эл холдинг» компаниясининг таълим маркази билан лаборатория ва амалий машғулотларни уйғун ҳолда олиб бориш бўйича республика семинар-тренингини Бухорода ташкил этиб, вилоятдаги кимё фани ўқитувчиларига услубий ёрдам кўрсатмоқда.



Айни пайтда И.Тўраев жамоатчилик асосида шаҳар халқ таълими бўлими кимё фани ўқитувчилари шўъбасини ҳам бошқаради. Жорий йилда тиниб-тинчимас фидойи устоз «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Ундан сабоқ олаётган ўқувчилар дарсларни пухта ўзлаштириш билан бирга фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда юқори натижаларга эришмоқда.

- Мақсадим — ўсиб келаётган ёш авлодни камолот сари етаклаб, уларнинг келажаги буюк давлатимизга муносиб кадрлар бўлиб етишишига ҳиссамни қўшиш, - дейди И. Тўраев.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратда: Истам Тўраев (чапдан иккинчи) 7-синф ўқувчилари билан машғулот ўтказмоқда.***

Маънавият

***Болалик — пошшолик, дейдилар. Кичкинтойларнинг руҳий оламини забт этиш учун мурғак дилларга йўл топа билиш керак. Бу борада Қорақалпоғистон давлат қўғирчоқ театри жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.***

Қўғирчоқ театри бошқа санъат муассасаларига қараганда ўзига хос услубга эга. Мазкур театр сўнгги йилларда йўналишини кенгайтириб, кадрлар таркибини мустаҳкамлади. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтини тамомлаган М.Бегимов, Ж. Ибрагимов, А.Есимбетов каби иқтидорли режиссёрлар жамоа ижодий фаолиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаяптилар.

Театрнинг "Орик мерган" деб аталган илк спектакли мустақилликнинг биринчи йилида намойиш этилган бўлса, драматург Кенесбой Раҳмонов пьесаси асосида Р.Турниёзов саҳналаштирган асар тезда ўз томошабинларини топди. Саҳнани безатишда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ рассоми И.Алибеков томонидан ишланган ранг-баранг расмлар қанчалар қўл келганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

# ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

## болаларнинг руҳий олами

Ўтган даврда театр жамоаси мамлакатимиз ва Қозоғистон республикасининг шаҳар-қишлоқларида бўлиб, ёш томошабинларга хизмат кўрсатди. Бухоро вилоятида ўтказилган қўғирчоқ театрларининг еттинчи анъанавий фестивалида қорақалпоқликлар бирданига иккита — "Энг яхши драматик асар" ва "Соғлом авлодни шакллантиришдаги энг яхши ғоявий ташвиқоти учун" йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида «Сил касаллигининг давоси бор» (драматург М.Исмоилов) ва П.Айтмуродовнинг «Қўғирчоқлар тилга кирганда» номли концерт дастури намойиш этилди.

Театр ўзининг ўн олтинчи мавсумини болалар ёзувчиси Эсонбой Ўриновнинг "Қўшиғим, жон қўшиғим" спектакли тақдимоти билан бошлади. Иқтидорли санъаткор Мурод Бегимов режиссёрлик қилган ушбу асар театр директори Пўлат Айтмуродов томонидан қорақалпоқ тилига таржима қилинган. Унда инсон ҳаётида қўшиқнинг аҳамияти беқиёслиги улуғланади. Бобо, набира ва улоқчанинг жасурлиги, қатъиятлилиги қаршисида ваҳший бўри ҳам чекинади.

Қўғирчоқлар воситасида куйланган қўшиқлар, дилтортар мусиқалар кичкинтойлар қувончига қувонч қўшди.

— Актёрлар қаҳрамоннинг ички дунёсини ўз вужудига жойлаб, сўнг уни қўғирчоқларга беради,—дейди театр директори.—Жонсиз нарсага "жон" киритиб, томошабинлар олдида мўъжиза яратади.

Ҳар бир боланинг ўз руҳий олами бор. Болалар театри экан, деб ёш томошабинларга нописанд қараш асло ярамайди. Актёрлар, рассомлар дунёвий тасаввури ҳали мурғак бўлган кичкинтойларнинг беғубор қалбига йўл топишга интиладилар, уларни кўнгли пок, самимий, ростгўй, аҳил ва иноқ бўлишга чорлайдилар.

Айни пайтда ижодкорлар гуруҳи болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, шаҳар, туман марказлари ва овуллардаги мижозларига хизмат қиляпти.

... Театр кичкинтойларнинг шўх кулгулари билан тўлган. Бирдан саҳна очилиб, қўғирчоқбозлар пайдо бўлганда, зал сув қуйгандек тинчиб қолади. Ўтмишдан эртак сўйлаётган, болаларнинг бугунги ҳаётига санъаткорона кўз билан қараётган актёрлар маҳоратига таҳсин ўқийсиз.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

Саломатлик сабоқлари

***Эътибор берган бўлсангиз, ҳаётда шундай одамлар борки, боши касалдан чиқмайди. Энг ноёб дори-дармон, муолажа ҳам уларни дарддан фориғ этолмайди. Бундай беморларни даволаш шифокорларга жуда катта муаммо туғдиради. Баъзида шундай бўлади: бутун диққатингни беморга қаратасан, гўё муолажаю ҳаракатларинг самара берганга ўхшайди, аммо, касаллик такрорланади. Бунинг бош сабаби беморнинг руҳий ҳолати, асабийлашувидир. Шифокор асосий эътиборни бемордаги асабий ҳолатни ва руҳиятидаги қўрқувни енгишга қаратиши керак. Бемор юрагидаги ана шу қўрқувни енголмас экан, касал соғайиш ўрнига оғирлашиб бораверади.***

# ҚЎРҚҚАНГА ҚЎША КЎРИНАР

Олимларнинг кузатувларига қараганда, инсонда табиатан қўрқув туйғуси бўларкан. Ана шу туйғу баъзида одамни турли бало-қазолардан асраши билан бирга асабларнинг чарчашига, руҳиятининг қувватсизланишига сабаб бўлади. Ҳамиша қўрқиб, ҳадиксираб яшаган одам тананинг касалликка қарши курашувчанлик кучини пасайтириб юборади. Бора-бора қўрқиш кучайиб, унинг домига тушган одам турли касалликларга чалиниши шубҳасиз. Инсоннинг руҳиятидаги бундай зўриқиш инсульт, сурункали гепатит, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради.

Айниқса, юрак хасталикларининг келиб чиқишига асосан қўрқув, ҳадиксираш сабаб бўлишини унутманг. Шуни ёдда тутиши керакки, аксарият ҳолларда одам ўз юрагидаги қўрқув, алам ва асабийлашувдан ўзини дардга дучор этади. Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир шифокор, қолаверса, беморнинг яқинлари ундаги қўрқувни, нотинчликни даволашлари зарур. Бунинг учун беморнинг ўзига, тузалиши ва яшашига бўлган ишончини, умидини уйғотиш керак. Қалби қўрқув ва ҳадикдан холи бўлган бемор эса шифокор билан бирга хасталикка қарши курашади.

Тўғри, инсон зоти борки, унда саломатлигини йўқотиш қўрқуви бўлади. Кимдадир бу ҳолат кучли, кимдадир сезилмас даражада кечади. Иродаси кучли, серғайрат кишилар хасталик ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди, аммо баъзилар жуда ваҳимачи бўлишади. Шундайлар борки, ўз саломатлигига эътиборли, ҳамиша шифокор назоратида бўлади, касал бўлганда ҳам тезда соғайиш чорасини кўришади ва ҳеч қачон ёмон хаёлга бормайди. Аксинча, шундай тоифа ҳам борки, оддий бош оғриқдан ҳам қўрқиб нохуш хаёлларга бориб, ўзларининг қўрқув ва ҳадиксирашлари, асабийлашишлари билан йўқ касалнинг пайдо бўлишига сабаб бўладилар ва умрларини қисқартирадилар.

Айниқса, ўлим ваҳимаси бундай кишиларда кучли бўлади. Бу ҳақда буюк Шекспирнинг қуйидаги фикрлари барчамиз учун ибратдир: «Ўлим ҳақида ҳамма ўйлайди. Фақат қўрқоқларгина то ўлим келгунча жуда кўп марта ўладилар. Қўрқмаслар эса фақат бир мартагина ўладилар».

Бордию ўзингизда саломатлигингиздан қўрқув ҳиссини сезсангиз, аввало ақл билан иш тутинг, ваҳимага берилманг. Даволанишни аввал руҳингиздаги ана шу қўрқувни қувишдан бошланг, уни ўзингиздан нарига ҳайданг. Бу иллат сизни хароб қилишини, у сизга энг ёмон душман эканлигини ҳис қилинг. Инсон иродали бўлса, ҳар қандай қўрқувни енгиб яшайди. Аммо кўпчилик кимгадир, нимагадир ишониб яшайди. Айниқса, яқинларига суяниб қолган бўлишади. Бундайларга руҳшунос ва суянган кишиларнинг ҳамдардлиги, ақлли маслаҳати ёрдам беради. Улар фақат яқинларининг кўмаги билангина қўрқувни енгишлари мумкин.

Яна шундай тоифа одамлар борки, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз айтганларидек, қалблари Оллоҳда, қўллари ишда бўлади. Уларни қалбларидаги ишонч ва ҳаракат ҳамиша ёмон иллатлардан халос этади. Қолаверса, сабр-тоқатли бўлиш, эртадан умидворлик уларга янги куч-қувват бағишлайди. Бундай инсонлар ўлимни ҳам мардонавор қаршилайдилар.

Демак, саломатлик ўз қўлимизда. Шу боис инсон энг аввало, ўз-ўзига, иродасига, ақлига ишониб яшаши, қалбидаги қўрқувни енгиши, ўзидаги барча иллатдан вужудини қутқазиши керак. Шундагина дардни енгиб, тинч-осойишта, пок руҳ билан яшайди. Ҳар қандай ёмон касални ҳам осонгина енгиб ўтади.

**Нурилла ШАРИПОВ,**
**шифокор**

Имом БУХОРИЙ

# АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

## Раҳмдил бўлиш ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши ёш боласини қучоқлаган ҳолда олиб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан: "Болангга раҳм қиласанми?" деб сўраганларида у: "Албатта раҳм қиламан" деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен шу болангга қанча марҳаматли бўлсанг, Аллоҳ таоло сенга ундан ҳам марҳаматлироқ бўлади, чунки У марҳаматлиларнинг марҳаматлироғидир" дедилар".

## Одамлар орасида яхшилик тарқатиш ҳақида

Ақаба ибн Муъзит (р.а.)нинг қизи Умму Қулсум (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Кишилар орасини тузатиш, сулҳга келтириш учун яхшиликларни гапирадиган киши ёлғончи деб айтилмайди" деган ҳадисларини эшитиб ривоят қилдилар. Умму Қулсум: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан одамлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон сўзлаш, эр ўз хотинининг кўнглини кўтариш учун унга ёлғондан ваъда қилиш ва хотин эрининг муҳаббатини ўзига жалб қилиш учун баъзан ёлғон гапларни сўзлаш, мана шу уч ҳолатдан бўлак вақтда кишилар орасида бўладиган ёлғон гаплардан ҳеч бирига рухсат берганларини эшитмадим" дедилар.

## Муносабатларни тузатиш ҳақида

Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинади, у киши айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен сизга намоздан, рўзадан ва садақадан ҳам даражаси ортиқроқ нарсани айтиб берайми?" — дедилар. Саҳобийлар: "Айтиб беринг, ё Расулуллоҳ" дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "У эса кишиларнинг ораси тузук бўлишидир. Унинг бузуқ бўлиши ҳамма яхши нарсаларни тарошлагувчидир" дедилар.

## Мусулмоннинг аразлаб юриши ҳақида

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир-бирингиз билан аччиқлашманг, ҳасад қилманг, тескари қараб кетманг. Эй, Аллоҳ таолонинг бандалари! Бир-бирларингиз билан ака-ука бўлинглар. Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир" дедилар".

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг шундай деганларини хабар қилади: «Бир-бирингизга ёвлик қилманг, дунё моли учун бир-бирингиз билан мусобақа қилманглар. Эй, Аллоҳнинг қуллари! Қардош бўлинглар».

Константин ПАУСТОВСКИЙ

# ҚУЁН ПАНЖАСИ

*ҳикоя*

Қишлоқдаги ветеринар олдига Урженск кўли ёқасида яшовчи Ваня Малявин йиртиқ чопонга ўралган кичкинагина қуёнчани олиб келди. Қуёнчанинг қизариб кетган кўзидан ёш оқар ва тез-тез очиб-юмарди.

— Нима, эсингни едингми? — қичқирди ветеринар. — Шу кетишда ҳали олдимга сичқонларни ҳам олиб келарсан.

— Унақа бақирманг. Бу оддий қуёнлардан эмас, — шивирлади Ваня. — Уни даволашингизни бувам илтимос қилиб юборди.

— Буни нимасини даволайсан ахир?

— Панжалари куйиб қолган.

Ветеринар Ваняни эшик томон ўгирди ва елкасидан итараркан, орқасидан бақирди.

— Майнавозчилик қилма. Уни ахир қандай даволайман. Ундан кўра пиёзда қовурсанг, буванг учун яхшигина газак бўлади.

Ваня индамайгина ташқарига чиқди. Унинг кўзларидан ёш оқарди. Қуёнча эса пахталик чопон ичида енгилгина титрарди.

— Нима бўлди, Ваня, — сўради шу ерлик раҳмдилгина аёл Анисья. У ветеринар олдига битта-ю битта эчкисини олиб келганди. — Нега йиғлаяпсан. Бувангга бир нима бўлдими?

— Бувамнинг қуёни, панжаси куйган, — деди секингина Ваня. — Ўрмонга ўт кетганда панжасини куйдириб олибди. Югуролмайди. Ўлиб қолса-я...

— Қўрқма, — шанғиллади Анисья. — Бувангга айт. Шу қуёнчани тузатмоқчи бўлса шаҳарга олиб бориб, Карл Петрович исмли врачга кўрсатсин.

Ваня кўз ёшини артиб, ўрмон орқали уйига жўнади. У қуёнчани кўксига босганича сўқмоқ йўлдан югуриб борарди. Яқиндагина ўт тушгани сабабли ўрмондан қурум ҳамда ёнган гвоздика ҳиди анқирди.

Қуёнча зўрға овоз чиқариб чийиллади. Бола йўл четидаги майингина барглардан топиб жонивор олдига қўйди. Қуёнча унга қаради-да, жимгина кўзларини юмди.

— Нима бўлди, бечорагинам, — аста сўради Ваня. — Қорнинг оч эдику.

Қуёнчанинг елкалари титраб, жим турарди.

— Есанг бўларди, — деди Ваня. Унинг овози титраб кетди. — Сув ичгинг келаётгандир.

Бола уни бағрига босганча кўл томон югуриб кетди. Ўрмон тепасида қуёш аёвсиз нур сочарди.

Азонда бува туриб кийинди. Ҳассасини ва бир бўлак нон олиб шаҳар томон кетишди. Орқада келаётган Ваня қуёнчани кўтариб олганди. У энди тинчиб қолган, ҳар замонда гавдаси салгина титраб қўярди. Қийинчилик билан нафас оларди.

Шаҳарга етиб келишганда бозор ёнидаги майдон бўм-бўш эди. От қўшилган извошлар сув сотадиган дўкон олдида мудрашарди. Бува чўқиниб олди.

Йўловчилардан Карл Петровични узоқ сўраб-суриштиришди. Ҳеч ким аниқ айтолмасди. Дорихонага киришди. Пенсне таққан оқ халатли, семиз сотувчи ажабланиб елка қисди.

— Жуда қизиқ. Карл Петрович Корш болаларни даволайдиган врач-ку. Мана уч йилдирки, у касалларни қабул қилмай қўйган. Унда нима ишингиз бор эди.

Бува сотувчига ҳурмат билан қараб, азбаройи суюнганидан қуён ҳақидаги воқеани гапириб берди.

— Ҳақиқатан ҳам ажойиб, — деди сотувчи ажабланиб. — Шаҳримизга ғаройиб даволанувчи ташриф буюрибдими?

У қуёнчага тикиларкан, икки қўлини кўксига қўйиб:

— Бу қуёнча менга жудаям ёқяпти-да, — деб қўйди.

У пенснесини асабийлашиб қўлига олдида, артиб бурни устига қўндиркан бувага юзланди.

— Почтовая кўчаси, учинчи уйда яшайди сиз сўраган киши, — деди.

Бува Ваня билан Почтовая кўчасини сўроқлаб топишди.

Эшикдан буванинг пахмоқ соқолли боши кўринганда Карл Петрович роялда аллақандай мунгли куйни чалиб ўтирарди. Бир оздан сўнг унинг овози эшитилди.

— Мен ветеринар эмасман, — дея бақирди роялнинг қопқоғини ёпа туриб Карл Петрович. — Бутун умр болаларни даволаганман, қуёнларни эмас.

— Эй яхши одам! Бола нима-ю, қуён нима. Барибир эмасми, — қайсарлик билан деди бува. — Бу жониворни даволаб марҳаматингни кўрсатсангчи. Бу қуёнча жонимни сақлаб қолди. Бизнинг ветеринарнинг бундай ишларга кошки ақли етса. Мен бир умр шу жонивордан қарздорман. Сен бўлсанг...

Бир оздан сўнг соч-соқоли оқарган қария Карл Петрович ҳаяжонланиб, буванинг ҳикоясини тинглаб ўтирарди.

Ниҳоят Карл Петрович қуённи даволашга розилик билдирди. Эртасига эрталаб бува уникида Ваняни қолдириб, ўзи уйга жўнади.

Бир кундан кейин Почтовая кўчасида яшовчилар Карл Петровичнинг ёнгинда қандайдир бир қарияни қутқарган қуённи даволаётгани ҳақидаги хабарни эшитишди. Икки кундан сўнг бу воқеанинг овозаси бутун шаҳарчага тарқалди. Учинчи кун эса Карл Петровичнинг олдига шляпа кийган, узун бўйли йигит кириб ўзини газета ходими, деб таништирди. Ундан қуёнча ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Қуёнчани даволашди. Ваня уни пахталик чопонга ўраб уйга қайтди. Тез орада қуёнча тўғрисидаги кўп нарса унутилди. Фақатгина москвалик бир профессор Лорион бувадан аллавақтгача қуёнчани сотиб олиш илинжида юрди. Ҳаттоки, у бувага марка ёпиштирилган хат ҳам юборди. Барибир уни кўндира олмади. Бува мазмунини айтиб турди, Ваня профессорга мактуб ёзди.

«Қуён сотилмайди. Ахир у тирик жон-ку. У ўрмонда эркин юраверсин». Лорион Малявин.

Шу йил кузда мен Урженск кўли ёқасидаги Лорион буванинг уйида тунадим. Қуруқ қамишзор кечаси тинимсиз шивирларди. Кўлдан кечаси билан ўрдаклар овози эшитилиб турди.

Бобонинг уйқуси келмасди. У печка ёнида ўтирганича балиқ тутадиган тўрни ямарди. Бироздан кейин у туриб самовар қўйди. Бир лаҳзада хона илиб, ойналар терлади. Ҳовлида Мурзик вовулларди. Қуён эса даҳлизда ухлар ва баъзан уйқусираб, орқа оёғи билан полни қаттиқ тирнаб қўярди.

Биз тонг отишини кутиб, чой ичдик. Ниҳоят бува менга қуёнча тарихини сўзлаб берди.

Август ойида бува кўлнинг шимол томонига овга борганди. Ўрмон мисоли пороҳдек қуруқ. Шу пайт олдидан бир қулоғи тиртиқ қуён чиқиб қолди. Бува эски милтиғидан ўқ узди. Лекин мўлжалдан янглишди. Қуён қочиб кетди. Бува йўлида давом этди. Шу пайт у Лопухова томонидан келаётган қуюқ тутунни сезиб қолди. Тутун тобора қуюқлашиб, нафас олиш қийинлашарди. Шу тобда бува ўрмон ёнаётганлигини ва олов ўзи томон келаётганлиги сезди. Шамол бўронга айланди. Олов жуда катта тезлик билан яқинлашиб келарди. Буванинг айтишича, поезд ҳам бундай тезликдаги оловдан қутулиб чиқиши мушкул экан. Бува ҳақ эди. Бўрон вақтида олов соатига 30 километр тезликда келарди.

Бува кўлмак томон қоқилиб-суқилиб югурди. Тутун кўзларини ачиштирар, ортидан эса оловнинг чарсиллаши эшитиларди. Хуллас, у ўлим исканжасида қолганди. Шу чоқ унинг оёғи остидан қуён чиқиб қолади. У секингина, орқа оёғи оқсаганича чопиб борарди.

Қуённинг кутилмаганда пайдо бўлиши бувада қандайдир умид уйғотиб, севиниб кетди. Эски ўрмончи бўлгани учун ҳам ҳайвонларнинг олов қайси томондан келаётганини одамлардан яхшироқ сезишини ва улар кўпинча ёнғиндан қутилиб қолишларини биларди. Ҳайвонлар олов тўрт томондан ўраб олгандагина ҳалок бўлишарди.

Шу боисдан бува қуён орқасидан югурди. У чопиб бораркан қўрқувдан қичқириб:

— Тўхтасанг-чи, азизим. Бундай тез чопма ахир, — дерди.

Ниҳоят қуён бувани ўт ичидан олиб чиқди.

Улар ўрмондан кўлга югуриб чиқишганда, ҳар иккovларининг ҳам силласи қуриганидан узала тушиб йиқилишди.

Чол қуённи уйига олиб кетди. Унинг икки орқа оёғи ҳамда қорни куйганди. Қуён соғайганидан кейин ҳам чолникида қолиб кетди.

— Шунақа, — деди чол самоварга тикилганча. — Мен ўша қуён олдида ҳам айбдорман, ҳам қарздорман.

— Нима сабабдан айбдорсиз, — сўрадим мен.

— Мени қутқарган қуёнга қарагин-а, — дея у қўлига фонарни олди.

Даҳлизга чиқдик. Қуён ухларди. Фонарни олиб унинг устига энгашдим ва унинг чап қулоғида тиртиғи борлигини кўрдим. Шундагина мен ҳаммасига тушуниб етдим.

**Русчадан**
**Неъмат РАФИҚОВ таржимаси**

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари Марказий кенгашининг собиқ ходими, нафақахўр

**Толиб ЮСУПОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

**БОШ МУҲАРРИР**
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
**Котибият**
153-52-78
**Бўлимлар**
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.30

Буюртма Г— 1415

Тиражи: 7406